O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Инсон манфаатлари — олий қадрият

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 27 (575) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

*Мурувват*

## "SOS" — БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ

Инсон манфаатлари олий мақсад ҳисобланган жамиятимизда болалар тарбиясига доимо бирламчи эътибор қаратиб келинган. Айниқса, боқувчисини йўқотган оилаларга, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик борасида талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳрининг "Сўғдиёна" мавзеида яқиндагина қад ростлаган "SOS" болалар маҳалласини ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин. Замонавий меъморчиликнинг энг яхши жиҳатларини ўзида акс эттирган бу митти маҳаллада ота-она меҳридан жудо бўлган фарзандлар тарбияланишади. Шу мақсадда ҳар бири 7 кишилик оилага мўлжалланган бир қаватлик коттеж типидаги 14 та уй бунёд этилган. Бу уйларда овқатланиш, ювиниш, дарс тайёрлаш, меҳмон кутиш учун алоҳида хоналар мавжуд. Мебель, гилам ва бошқа зарур жиҳозлар ҳам рисоладагидек.

— Бу даргоҳнинг Меҳрибонлик уйларидан фарқи ота-онасиз болалар тарбияси худди оила шароитидагидек давом эттирилишида, — дейди маҳалла директори Феруз Эгамбердиев. — Шунинг учун ҳар бири 7 нафар болага қарайдиган энагаларни махсус тест синовлари асосида танлаб олганмиз. Бундан ташқари болалар шифокори ва психолог ҳам улар билан ёнма-ён иш олиб боришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, спорт майдончаси, машғулот хоналари ва барча қулайликлари бор бўлган болалар маҳалласини вилоятдаги энг яхши қурилиш ташкилотлари қисқа вақтда сифатли қуриб беришди. Унинг барпо этилишида мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорлик доирасида иш олиб бораётган Австрия ҳукуматининг ёрдами салмоқли бўлди. Болалар маҳалласининг ижтимоий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этиш эса Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг ва шаҳардаги қатор ҳомий ташкилотларнинг муҳим вазифасига айланган.

**Ўз мухбиримиз**

*Болалар спорти*

## ФАРҒОНАЛИК УМИДЛИ ЁШЛАР

**А.ҲУСЕЙНОВ,**
**Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилоят филиали директори**



Истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия, спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилди. Президентимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган вақт ичида вилоятимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ўқувчи ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Биргина 2003-2005 йиллар мобайнида жамғарма томонидан 35 та спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳатто Сўх, Ўзбекистон, Ёзёвон, Бешариқ, Данғара туманларининг чекка қишлоқларида ҳам барча қулайликларга эга замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши ёшларимизни янада қувонтирди. Ўтган йилнинг ўзида эса спорт жиҳозлари ва анжомлари учун 218 миллион сўм маблағ ажратилди.

Оммавий спорт турларига ижтимоий мададга муҳтож ўқувчи болалар, айниқса, қизларни кенг жалб этиш мақсадида улар учун спорт либослари ва анжомларини сотиб олиш ишлари ҳам режалаштирилган эди. Шу мақсадда шаҳар, туманларда ўтказилаётган оммавий спорт тадбирларига 17 миллион 300 минг сўмлик кийимлар бепул тарқатилди.



Вилоятимизда ҳозирда спортга ошно ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Улар орасида чемпионларимиз ҳам кўп. Маълумки, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" мусобақаси ўқувчи ёшларни спортга кенг жалб этишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қаратилган. Ёш спортчиларимиз бу мусобақада доимо фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришиб келишмоқда. Хусусан, яқинда Қарши шаҳрида ўтказилган мусобақада ўғил-қизларимиз, 13 та олтин, 20 та кумуш, 26 та бронза медаллари соҳиби бўлишди. Айниқса, спортнинг енгил атлетика тури бўйича Рашид Бурнашев, Бахтиёр Жуманов, Жасур Кенжабоев белбоғли курашда Элдор Узоқов, сузишда Регина Шарифулина, Екатерина Нардишевалар эришган натижалар таҳсинга лойиқ.

Айни пайтгача жамғарманинг вилоят филиали томонидан 34 дан ортиқ турли спорт тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, ўқувчи ёшларнинг ёзги таътилларини мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида "Ёзги таътил-2006" спорт мусобақалари ташкил этилаётир. Ушбу муҳим ишга маҳалла, қишлоқ болаларини кўпроқ жалб этиш назарда тутилган. Бунга жисмоний тарбия ўқитувчилари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари жалб этилиб, барча спорт майдончаларининг ёзги таътил мобайнида узлуксиз фаолият юритиши таъминланмоқда.

*Фахр*

## ОСТОНАСИ БУҒДОЙЛАРГА ТЎЛА ЮРТ

**Раъно ТОЖИАЛИЕВА,**
**журналист**

Болалик чоғимизда сал шўхлик қилсақ, бувижонимиз: "Ҳа, уйинг буғдойга тўлгур-а" деб уришарди. Энди билсак, бу беғараз танбеҳнинг замирида аслида эзгу ният яширин экан. Зеро, уйи донга тўлган одамлар турмуши тўқ, фаровон бўлади-да.

Не бахтки, бугун озод ва обод юртимиз Истиқлол шарофати билан ғалла мустақиллигига эришди. Бундай шарафли имконият ернинг ҳақиқий эгалари — фидойи деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнати туфайли рўёбга чиқаётир. Айни кунларда йил бўйи қилинган меҳнатнинг самарасини кўриб кўз қувонади: ғаллакорнинг уйи буғдойга тўла! Албатта, бу улкан меҳнат зафарини қўлга киритишда мамлакатимиздаги фермер хўжаликларининг салмоқли улуши бор. Жумладан, Музробод тумани фермерлари ҳам бу йил жонбозлик кўрсатиб, баракали ҳосил кўтаришди.

— Далаларда меҳнат қилаётган фермерларнинг суяги деҳқончиликда қотган, — дейди Соатмурод Бутаёров номидаги фермер хўжалиги бошлиғи Бахтиёр Бобониёзов. — Қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқларнинг бош омили ҳам ана шунда. Ер ўз эгасини топгани ютуқларимиз гарови. Қаранг, деҳқон ўзи учун, фарзандлари учун янги уйлар қураяпти, тўйлар қилаяпти, кўпчилигининг тагида ўзбек улови — "Нексия". Бунга шукрона айтмай, бундан фахрланмай бўладими!

Фермернинг зўр ҳаяжон, завқ-шавққа тўлиб айтган сўзларига эътибор беринг-а. Унда Истиқлол шарофатидан мамнунлик, Ватан истиқболига, эртанги кунга бўлган юксак ишонч туйғуси мужассам. Зеро, бу ишончнинг теран асослари бор. Б.Бобониёзов бошлиқ фермер хўжалиги жорий йилда 19 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан режадаги 26 центнер ўрнига 42 центнердан хирмон кўтарди. Олинган даромад ҳам шунга яраша баракали бўлди. Фермернинг тўкин дастурхонига ширмой нонлар тортилди.

Тумандаги миришкор деҳқонлардан Фарҳод Эшқувватовнинг ҳам бу йил кайфияти аъло. Боиси шундаки, фермер 31,6 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил йиғиб олди. Қалб қўрини ерга бериб қилган заҳматли меҳнати унга ана шундай баракали ҳосилни туҳфа этди.

Ҳа, мустақиллик йилларида деҳқоннинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, унинг ерга эгалик ҳисси шаклланди. Энг муҳими, эндиликда меҳнатдан манфаатдорлик туйғуси кучайиб бораётир. Бу эса, мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир. Ўзбек ўз ғалласи, ўз нонига уйини тўлдириб, элини тўйдириб турибди. Бу чиндан халқнинг бахти, фаровонлигидир!

Бу дунёда имон учун туғилганлар,
Эътиқоднинг нурларига йўғрилганлар.
Матонатли, мард ва танти ўғлонлар,
Сенинг фарзандларинг бўлар она юрт,
Остонаси буғдойларга тўла юрт.

Булбулларинг номинг айтиб куйлар сени,
Тарк этмасин Наврўздайин тўйлар сени.
Салобатинг Боботоғни бўйлар сенинг,
Етти қават осмонларни бўйла юрт,
Остонаси буғдойларга тўла юрт.

Ватан, бир заррангман тупроғингда мен,
Ватан, ташвишингу, титроғингда мен,
Ватан — бир дарахтсан, япроғингда мен,
Салобатинг Боботоғни бўйлар юрт,
Остонаси буғдойларга тўла юрт.

Абдуғаффор ХОЛМАТОВ



## ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2006 йилнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳисобот даврида соҳа корхоналарининг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллик натижалари бўйича 262,1 миллиард сўмлик (2005 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 138,9 % га ўсиш), шу жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида 247,8 миллиард сўмлик (137,3 %), ахборот ва матбуот соҳасида 14,3 миллиард сўмлик (174,4 %) хизмат кўрсатилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 1750,0 минг нафарга етгани, Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони 1 200,0 минг кишини ташкил қилгани ҳамда давлат бошқарув органларида ахборот технологиялари жорий этилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари дастури ва Инвестициявий дастурнинг бажарилиши таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажариш борасидаги масъулиятларини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, соҳалар фаолиятига оид қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларини изчил ва тўла бажаришни таъминлаш, идора ва ташкилотлар бошқарувининг барча бўғинлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари танқидий нуқтаи назардан кенг муҳокама қилинди. Бу борада тегишли иш режаси тасдиқланди.

Шу билан бирга идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

### ЯНГИ КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Қарши шаҳрида 110 ўринга мўлжалланган вилоят ихтисослашган кардиология марказининг биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий кўринишга ва беморларни даволаш учун зарур шароитларга эга бўлган бинони таъмирлаш учун 770 миллион сўм маблағ сарфланди. 97,8 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар ўрнатилди.

Мазкур марказда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Янги тиббий масканнинг фойдаланишга топшириш маросимида Республика Соғлиқни Сақлаш Вазири ўринбосари Марат Хожибеков иштирок этди.

"Туркистон-пресс"

*Мулоҳаза*

## ФАРЗАНДИНГИЗ КОМПЬЮТЕР ЎЙНАЙДИМИ?

**Музаффар АБДУШУКУРОВ,**
**«Адолат» мухбири**

Илгари болалар «Оқ теракми — кўк терак?», «Чиллак», «Яшин — тополоқ» ўйнашарди. Бугун-чи, бугунги болалар қандай ўйинлар билан банд? Шубҳасиз, илм-техника тараққиёти бола дунёсини ҳам ўзгартириб юборди. Бугун болалар ўйинларининг қоидалари ўзгача, воситалари буткул замонавий. Энди ҳовлидаги жамоа-жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинлар ўрнини компьютердаги «Spiderman», "Need for speed", "GTA-VC city" ўйинлари эгаллади. Хўш, бу ўйинларнинг болаларга нафи борми? Хавфи-чи?



(Давоми 4-бетда.)

*Матбуот ва партия*

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

### партия сиёсатини энг олис қишлоқларда ҳам изчил тарғибот-ташвиқот этиш қўл келмоқда

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат» мухбири**

Яқинда Самарқанд вилоят телевидениесида «Адолат» СДПнинг вилоят Кенгаши фаолларидан бир гуруҳи билан ғоят самимий ва дилкаш мулоқот уюштирилди. «Ватан тақдири — менинг тақдирим» деб номланган мазкур кўрсатувда асосан юртдошларимизда жамиятга нисбатан фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки ҳақида гап борди.

Таъкидлаш жоизки, партия фаоллари билан юзма-юз бундай мулоқотлар вилоят телевидениесида илк марта намойиш этилаётгани йўқ. Вилоятда нашр этилаётган газеталар саҳифаларида ҳам бу мавзу атрофлича ёритилмоқда. Ва, ҳар сафар қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб партия фаолиятини янгича шароитларда қандай ташкил этиш бўйича фойдали таклифларни келтириб чиқармоқда. Вилоятда чоп этилаётган «Зарафшон», «Самаркандский вестник», «Овози Самарқанд» сингари кенг ўқувчилар оммасига яхшигина таниш бўлиб қолган матбуот нашрлари, вилоят радиоси, СТВ жамоатчилик телевидениеси билан ҳамкорлик натижалари хусусида шундай дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

## Ушбу сонда:

| | | |
|---|---|---|
| ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎЛИДА | ТИНЧЛИК ҚАРОР ТОПАДИМИ? | 1350 ЎҚУВЧИГА БИТТА ТЎП |
| муносабат | шарҳловчи минбари | луқма |

